

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил август ойининг 27 куни, жиноят ишлари бўйича Норин туман суди биносидаги очиқ суд мажлисида, судья Т.Мелибоев раислигида, судья ёрдамчиси Д.Назаров котиблигида, давлат айловчиси Норин туман прокурори катта ёрдамчиси Б.Махмудов, “Namangan Advokatlar Hay’ati” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Набижанов, жабрланувчининг қонуний вакили Р., жабрланувчи Х. иштирокида, судланувчи [REDACTED] ўғлига нисбатан юритилган 1-1605-2501/128-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

[REDACTED] 2002 йил 20 июнда Норин туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Ўзбекистон Миллий университети 3-босқич талабаси, Наманган вилояти, Норин тумани, “Еттиқашқа” МФЙ, Орзу кўчаси, 24-уйда яшаган, 2025 йил 5 июнь кунидан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчининг қонуний вакили, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, дастлабки терговда ва суд жараёнида тўпланган ҳамда текширилган далилларни муҳокама қилиб, уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишида мавжуд ҳужжатларни таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ж., 2025 йил 4 июнь куни соат 16.00 лар чамасида фуқаро С.Бисенов номидаги “Ласетти” русумли, 01 N 316 GS давлат рақамли автомашинани тегишли ҳужжатлар билан Норин тумани, “Еттиқашқа” МФЙ ҳудудидан ўтган “Ҳаққулобод-Балиқчи” автомобиль йўлининг 3-километрида бошқариб келиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмасдан, амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-бандидаги, ҳайдовчи ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши кераклиги; 77-бандидаги, ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво



шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши кераклиги, ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши кераклиги тўғрисидаги талабларни қўпол равишда бузиб, йўналиш бўйича йўлнинг чап томонидан ўнг томонига ҳаракатланиб ўтаётган велосипедчи И.Мамадиевни автомашина олди қисми чап томони билан уриб юбориб, унга оғир тан жароҳати етказилишига ва ҳодиса жойида вақот этишига сабабчи бўлган.

Судланувчи Ж,,,,,,,,,,,,,,,, судда, айбига иқрорлик билдириб, автомашина бошқариш учун “В,С” тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эгаллиги, Тошкент шаҳри, Юнусобод туманида яшовчи С.Бисенов номидаги “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақамли автомашинани ишончнома асосида бошқариб юриши, ушбу автомашинада Тошкент шаҳрида ўқишдан ташқари вақтида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиши, ўқиш жойидан Норин тумани ҳокимлигига амалиётга юборилгани сабабли 2025 йил 1 июнь куни Тошкент шаҳридан яшаш хонадонига “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақамли автомашинани бошқариб келгани, 2025 йил 4 июнь куни соат 15.30 ларда автомашинада ўртоғи Х,,,,,,,,,,,,,,,, билан Норин тумани, “Навоий” МФЙда жойлашган автомабилларга газ қуйиш шахобчасидан автомашинага газ қуйишгани ва “Катта Ўлмас” МФЙда жойлашган автомойкага бориб автомашинани ювмоқчи бўлиб йўлга тушгани, “Ҳаққулбод-Балиқчи” автомобиль йўлининг “Еттиқашқа” МФЙ ҳудудидан ўтган қисмида соатига 60-70 километр тезликда автомашинани бошқариб бораётганида йўналиши бўйича қарама-қарши томонидан “Исузу” русумли юк машинаси ўтиб кетгани, ушбу автомашина ўтиб кетганидан сўнг уни орқасидан унга нисбатан йўлнинг чап томонидан ўнг томонига ҳаркатланиб ўтаётган велосипедчи чиқиб қолгани, оралиқ масофа оз бўлгани учун бошқарувидаги автомашина олди қисми чап томони билан велосипедчини уриб юборгани, велосипедчининг бош қисми олд ойнага теккани, тўқнашувда велосипедчини уриб юборганидан сўнг автомашинани йўлнинг ўнг томонга олиб қочиб тормоз босгани, ўша вақтда велосипедчи автомашина олди ойнаси устида бўлгани, тормоз босган ҳолатда йўлни ўнг томонида жойлашган бетон ариқ ичига автомашинаси ўнг балон қисми тушиб сидирилиб кетгани, ариқ ичида автомашина ўнг томон балонлари билан тормозланган ҳолда кетаётганида велосипедчи автомашинанинг чап томонига асфальт



устига тушгани, бошқарувни йўқотган ҳолда сидирилиб бориб, ариқ устига қурилган аҳоли хонадонига кириш жойидаги қувурга бориб урилгани ва автомашина олди аҳоли уйлари томонга, орқаси эса йўлнинг ўрта қисмига қараб тўхтаб қолгани, автомашина тўхтаганидан сўнг олди йўловчи ўриндиғида бўлган ўртоғи Х,,,,,,,,,,,,,,,, билан автомашинадан тушиб велосипедчини олдига боришгани, ўзи кейин таниган велосипедчи И.Мамадиев ерга қараган ҳолда тан жароҳати олиб ётгани, уни ўзининг дадасига ўхшатиб юборгани учун қўрқиб кетгани, шунда Х,,,,,,,,,,,,,,,, унга “даданга ўхшар экан, лекин даданг эмас” дегани, И.Мамадиевга биринчи ёрдам кўрсатмоқчи бўлиб туришган вақтда атрофга одамлар тўпланиб, кимдир тез ёрдамга телефон қилгани, тез ёрдам автомашинаси келиб, шифокорлар И.Мамадиевни вафот этганлигини айтишгани, бироздан сўнг ИИБ ходимлари келиб, ҳолатни суриштириб, ҳодиса жойида тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришгани, ҳозирда қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчининг қариндошларидан кечирим сўраши, унга қонуний энгиллик берилишини сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчининг қонуний вакили Р,,,,,,,,,,,,,,,, судда, марҳум И.Мамадиев акаси бўлгани, 2025 йил 4 июнь куни соат 16.00 ларда яшаш хонадониде хайит байрами учун кўй сўйиш мақсадида тайёрланиб турган вақтида акаси И.Мамадиевнинг турмуш ўртоғи телефон қилиб, акасини автомашина уриб кетганлигини айтгани, авария бўлган жойни суриштириб Норин туманига етиб келгани, воқеа жойига етиб келган вақтда таниши Х.Холиқов унга акаси И.Мамадиев шифохонага олиб кетилганлигини айтиб, унга ҳаркатланиб кетаётган тез ёрдам автомашинасини кўрсатгани, шундан сўнг Норин тумани марказий шифохонаси тез ёрдам кўрсатиш бўлимига бориб, акасини оламдан ўтганлигини билгани, СТЭБ биноси ичига кириб, акасининг тан жароҳатларини кўриб, шундан сўнг авария бўлган “Еттиқшқа” МФЙга боргани, воқеа жойига борган вақтида ИИБ ходимлари воқеа жойида ҳужжатлаштириш ишларини қилаётганлигини кўргани, бу ерда “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақамли автомашина “Ҳаққулабод-Балиқчи” автомобиль йўлида олди томони аҳоли уйлари, орқа томони йўлнинг қатнов қисмига қараб қолганлигини, автомашинани олди томони пачоқланиб кетгани, автомашинага яқин ерда асфальт устида қон доғлар мавжудлигини кўргани, бу ерда акаси И.Мамадиев велосипедда ҳаракатланиб кетаётган вақтда “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақамли автомашинада уриб юборган шахс Ж,,,,,,,,,,,,,,,, эканлигини билгани, 2025 йил 5 июнь куни акасини дафн қилишгани, ҳодиса куни ҳайдовчи акасига ёрдам бермагани, унинг жасадини асфальтда судрагани, чунки йўлда қон доғлари чизиқча бўлиб чўзилиб турганини кўргани, бундан ташқари спиртли ичимлик ичган шахс сифатида кўриниши учун устига спиртли маҳсулот сепишда ҳам гумонлагани, сабаби акасининг куёви авариядан кейин келиб уни юзини



очиб кўрганида қайнотасидан спиртни ҳиди келганга ўхшатганини айтгани, лекин экспертизада уни спиртли ичимлик истеъмол қилгани аниқланмагани, акаси ҳожи бўлиб ароқ ичмаслиги, “Ласетти” русумли автомашина хайдовчиси Ж,,,,,,,,,,,,, автомашинани суғурта полисида кўрсатилган Тошкент шаҳри ва вилоятида эмас, ноқонуний равишда Наманган вилоятида бошқариб юргани, акасининг ўлимига сабабчи бўлган Ж,,,,,,,,,,,,,дан дафн маросимларига сарфланган харажатларни ва маънавий зарарни ундириб, ўзига нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Х,,,,,,,,,,,,, судда, 2025 йил 4 июнь куни соат 16.00 лар чамасида синфдоши Ж,,,,,,,,,,,,, бошқарувидаги “Ласетти” русумли автомашинада “Ҳаққулобод-Балиқчи” автомобиль йўлининг “Еттиқашқа” МФЙ ҳудудидан ўтган қисмида кетаётган вақтларида қарама-қарши томонидан “Исузу” русумли юк машинаси келаётганлигини кўргани, кейин телефондан соат кўриб телефонни шими чўнтагига солаётгани учун йўл қисмига эътибор бермай қолгани, шу вақтда қарсиллаб автомашинага бир нарса урилгани, олдинга қараганида бир велосипедчи автомашинага урилиб бош қисми билан олди ойнага теккани ва автомашина олди ойнасига чиқиб қолганини кўргани, Ж,,,,,,,,,,,,, тормоз босгани учун автомашина йўлнинг ўнг томонига қочгани ва томон олди ва орқа балонлари билан кўча четида бўлган бетон ариқ ичига тушиб қолгани, ариқ ичида автомашина ўнг томон балонлари билан тормозланган ҳолда сурилиб бораётганида велосипедчи автомашина чап томонига йўл устига тушиб қолгани, Ж,,,,,,,,,,,,, бошқарувни йўқотган ҳолда бетон ариқ бўйлаб бориб, ариқни аҳоли хонадонига кириш еридаги бетон қилинган жойига бориб урилгани ва автомашина олди аҳоли уйлари томонга, орқаси эса йўлнинг ўрта қисмига қараб тўхтаб қолгани, сўнг Ж,,,,,,,,,,,,, билан автомашинадан тушиб велосипедчи, ўзи кейин таниган И.Мамадиевни олдига боришганида, уни ерга қараган ҳолда тан жароҳати олиб ётганини кўришгани, Ж,,,,,,,,,,,,, бу шахсни ўзининг дадасига ўхшатиб юборгани учун уни юзини ўзига қаратиб, Ж,,,,,,,,,,,,,га “даданга ўхшар экан, лекин бу сенинг даданг эмас” дегани, шу вақтда атрофга одамлар тўпланиб кимдир тез ёрдам чақиргани, бироздан сўнг тез ёрдам автомашинаси келиб, шифокорлар тан жароҳати олган велосипедчи И.Мамадиев оламдан ўтганлигини айтишгани, шифокорлар келишганидан сўнг воқеа жойига ИИБ ходимлари келиб, ўртоғи Ж,,,,,,,,,,,,,дан ҳолатни суриштиришиб, воқеа жойида тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришгани, ўзи ҳам ушбу йўл транспорт ҳодисаси натижасида енгил тан жароҳати олгани, лекин соғлиғи яхши экани, Ж,,,,,,,,,,,,,га нисбатан давоси йўқлиги ва унга енгиллик берилишини сўраши ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ё.Дадабоев судда, 2025 йил 4 июнь куни соат 16.30 ларда Норин тумани, “Еттиқашқа” МФЙ ҳудудида иш билан юрган вақтида



унга ИИБ ходимлари бу ҳудудда содир бўлган йўл-улов ҳодисасини хужжатлаштириш ишларида ҳолис сифатида иштирок этиб беришини сўрашгани, ИИБ ходимларига розлик билдириб, яна бир нафар холис, йўл транспорт ҳодисаси содир этган ҳайдовчи Ж,,,,,,,,,,,,, иштирокида ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришгани ва тегишли хужжатларни расмийлаштиришда қатнашгани, кўдан кечириш давомида ҳайдовчи Ж,,,,,,,,,,,,, шу куни соат 16.00 лар чамасида бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақамли автомашинани “Еттиқашқа” МФЙ ҳудудидан ўтган “Ҳаққулобод-Балиқчи” автомобиль йўлида бошқариб кетаётганида, йўналиши бўйича ўзига нисбатан йўлнинг чап томонидан ўнг томонига ҳаракатланиб ўтаётган велосипедчини автомашина олд қисми чап томони билан уриб юборгани, ҳодисадан кейин автомашина тармозини босиб йўлни ўнг томонидаги бетон ариқ ичига тушиб қолганини айтиб, ИИБ ходимларига велосипедчини уриб юборган жойни кўрсатиб бергани, шундан сўнг ИИБ ходимлари Ж,,,,,,,,,,,,,дан суриштирган ҳолда тегишли хужжатларни расмийлаштириб, чизмалар чизишгани, автомашинадан тахминан 6-7 метр масофа йўл устида қонга ўхшаш доғлар мавжудлигини кўргани, бундан ташқари йўлни чап томонидаги латок ичида яроқсиз ҳолга келган ярми оқ, ярми қора, пастки рамали, орқа ўриндиғи сариқ рангдаги яроқсиз ҳолга келган велосипед турганлигини кўргани, воқеа жойини кўздан кечириш давомида ҳайдовчи Ж,,,,,,,,,,,,, бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли автомашина билан уриб юборган велосипедчи Андижон вилояти, Балиқчи тумани, “Ўлмас” МФЙда яшовчи И.Мамадиев эканлигини билгани, кўздан кечириш вақтида марҳум И.Мамадиевнинг қариндошлари ҳам воқеа жойига келиб туришгани, тегишли хужжатлар расмийлаштириб бўлинганидан сўнг хужжатлар билан танишиб имзолаб бергани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Д.Бозоров судда гувоҳ Ё.Дадабоевнинг кўрсатувини тасдиқлаб, 2025 йил 4 июнь куни соат 16.30 ларда уйи олдида кўча томонда шовқин эшитгани учун кўчага чиққани ва бу ерда ўзи кейин таниган велосипедчи И.Мамадиевни Ж,,,,,,,,,,,,, бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли автомашина билан уриб юборганлигини билгани, ИИБ ходимлари таклифи билан содир бўлган йўл-улов ҳодисаси бўйича кўздан кечиришда иштирок этгани, ҳодисадан сўнг дарҳол кўчага чиққани, ўзи кўчага чиққанидан кейин йўлни қатнов қисмида тан жароҳати олиб ётган И.Мамадиевни танасини ҳеч ким судрамагани ёки ётган жойини ўзгартирмагани, уни устига ҳеч ким бирор нарса селганини кўрмагани, И.Мамадиевни жасади устига қўшниси олиб чиққан чойшабни ёпиб қўйишгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ К.Мусаев судда, марҳум И.Мамадиев қайнотаси экани, ҳодиса содир бўлган куни унга кимдур телефон қилиб, бир одамни автомашина уриб юборгани, бу одамни қайнотаси И.Мамадиевга ўхшатганлигини айтгани, айтилган жойга етиб борган вақтида И.Мамадиевнинг устини



мато билан ёпиб қўйилганлигини кўргани, матони очиб кўрган вақтда спиртли ичимлик ҳиди келганга ўхшагани, лекин қайнотасини экспертизага олиб борилганида бу ҳид сезилмагани, қайнотаси спиртли ичимлик истеъмол қилмагани, бу ҳолатни қариндошларига айтгани, ўзи кейин боргани учун ходиса қандай содир бўлганини кўрмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Н.Махмудова судда, судланувчи Ж,,,,,,,,,,,,,,,,,нинг оила аъзоларини таниши, қариндошлик алоқалари йўқлиги, 2025 йил 4 июнь куни соат 16.00 ларда бир маросимдан келиб яшаш хонадонига кириб турган вақтда кўчадан шовқин овозини эшитгани, автомашинада авария бўлганга ўхшагани учун келини югуриб кўчага чиқиб кетгани, уни ортидан ўзи ҳам кўчага чиққанида хонадонлари яқинида кўчанинг қатнов қисмида ўзи кейин таниган Ж,,,,,,,,,,,,,,,,, бошқарувидаги “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақамли автомашинада бир одамни уриб юборганлигини билгани, тан жароҳати олган одам йўл қирғоғида арчаларга яқин ерда боши тротуарга яқин ҳолда ётганини кўргани, жабрланган фуқарони вафот этганлигини айтишгани учун уйдан чойшаб олиб чиқиб уни устига ёпиб қўйишгани, кейин тез ёрдам машинаси келиб вафот этган шахсни олиб кетишгани, бу ерга келган ИИБ ходимлари ҳужжатлар расмийлаштиришгани, ўзи йўл транспорт ходисаси қандай содир бўлганини кўрмагани, ҳодисадан сўнг уч-тўрт дақиқадан сўнг кўчага чиққани, ўзи кўчага чиққанидан кейин йўлни қатнов қисмида тан жароҳати олиб ётган одам танасини ҳеч ким судрамагани ёки ётган жойини ўзгартирмагани, уни устига ҳеч ким бирор нарса сепганини кўрмагани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Абдумуталбоев судда, 2025 йил 4 июнь куни бошқарувидаги “Газел” русумли автомашинада Норин тумани, “Еттиқашқа” МФЙ ҳудудида ўтиб кетаётган вақтида Ж,,,,,,,,,,,,,,,,, бошқарувида бўлган “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақам белгили автомашинада бир одамни уриб юборганлигини билгани, ҳодиса қандай содир бўлганлигини кўрмагани, ҳодиса содир бўлганидан кейин бу ерга келиб қолгани учун автомашинасини йўл четига тўхтатиб авария бўлган жойга қайтиб келгани, бу жойда жабрланган одам йўл қирғоғидаги ётганлигини, ундан нарироқда “Ласетти” русумли автомашина йўлга кўндаланг, олди шикастланган ҳолда тўхтаб қолганини кўргани, кейин тез ёрдам ва ИИБ ходимлари келгани, ҳодисада жабрланган одамни вафот этганлигини айтишиб, туман тиббиёт бирлашмасига олиб кетишгани, бу жойга келганидан сўнг йўлни қатнов қисмида тан жароҳати олиб ётган одам танасини ҳеч ким судрамагани ёки ётган жойини ўзгартирмагани, уни устига ҳеч ким бирор нарса сепганини кўрмагани ҳақида кўрсатув берди.

Иш юзасидан ўтказилган судга оид тиббиёт экспертизаси бўйича РСТЭИАМ Наманган вилояти филиали Норин туманлараро бўлинмасининг 2024 йил 13 июндаги 40-сонли хулосасида, марҳум



И.Мамадиевнинг баданида қўшма оғир шикаст, калла мия ёпиқ оғир шикасти, бош мия лат ейиши, бош мия тўқимаси ва пардаларига қон қуйилиши, 1-2-бўйин, 1,2,3,4 кўкрак умуртқаларини синиши, бўйин аъзоларини оғир очиқ шикасти, бўйин ўнг соҳаси йиртилган жароҳати, бўйин мускуллари артерия ва вена қон томирларини тўлиқ узилиши, кўкрак қафаси оғир ёпиқ шикасти, икки томонлама кўплаб қовурғаларни асоратли синиб силжиши, иккала ўпкани ёрилиши, диафрагмани ёрилиши, қорин оғир ёпиқ шикасти, жигар ва буйрақларнинг ёрилиши, ичак тутқичларига, сийдик пуфагига қон қуйилиши, қорин бўшлиғига қон қуйилиши (100,0), танадаги кўплаб шилинган, йиртилган, қонталаш жароҳатлари, асорати ўткир ички ва ташқи қон кетиши, постравматик, шок, ўткир юрак қон томир ва нафас етишмовчилиги, ўтмас қаттиқ, санчувчи кесувчи жисм (ойнак синиғи ва шунга яқин) таъсирида келиб чиққан бўлиши, муддати қарорда кўрсатилган вақт ва йўл-транспорт ходисаси воқеасига тўғри келиши мумкинлиги, ушбу жароҳатлар ўлимига олиб келган оғир тан жароҳатлари гуруҳига кириши;

РСТЭИАМ Наманган вилояти филиали Норин туманлараро бўлинмасининг судга оид тиббиёт экспертизаси бўйича 2025 йил 9 июндаги 542/260-сонли хулосасида, Х,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,нинг баданида ўнг чиғаноқ, ўнг қош соҳаси шилинмаси кўринишида жароҳатлар бўлиб, келиб чиқиши йўл улов ҳодисасига тўғри келиши мумкинлиги, бу жароҳатлар оғирлик даражасига кўра қисқа муддатли соғликни бузилишига сабабчи бўлмаган енгил тан жароҳатлари гуруҳига кириши кўрсатилган.

Наманган вилоят ИИБ ЭКМнинг 2025 йил 27 июндаги 970-сонли судга оид автотехник экспертиза хулосасида, велосипедчи И.Мамадиев йўлнинг чап қисмидан ўнг томонига хавф сифатида йўл транспорт ҳодисаси жойига қадар 4,90 метр масофани ўртача 2,99 сония давомида ҳаракатланиб ўтишни бошлаганидан ҳайдовчи соатига 60-70 километр тезликда ҳаракатланган “Ласетти” русумли автомобилни ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлгани, “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақамли автомобиль ҳайдовчисининг ҳаркати “Йўл ҳаракати қоидалари” 77-бандининг 3-қисми талабларига зид бўлгани қайд этилган.

“КОНС ИНВЕНТАР БАҲО” МЧЖнинг 2025 йил 26 июндаги баҳолаш ҳисоботида, “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақамли автомобилга йўл транспорт ҳодисаси натижасида 9.200.000 сўм моддий зарар етказилгани аниқланган.

Судланувчи Ж,,,,,,,,,,,,,,,,,,,,, томонидан содир этилган қилмиш, ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувлари ва юқорида баён этилган далиллардан ташқари, жиноят ишидаги ҳодиса содир бўлган жойни, транспорт воситасини техник ҳолатини, мурдани кўздан кечириш баённомалари, уларга илова қилинган чизма ва фотосуратлар,



тергов эксперименти, фотосуратлар, экспертиза хулосалари ҳамда иш бўйича тўпланган ва судда текширилган бошқа далиллар йиғиндиси билан исботланди.

Суд, Ж,,,,,,,,,,,,,нинг ҳимоячиси томонидан киритилган судга оид трассология экспертизаси ўтказилмагани ҳақидаги важларни муҳокама қилиб, иш бўйича Ж,,,,,,,,,,,,,нинг кўрсатувлари ҳодиса жойида текширилгани, унинг иштирокида кўрсатувлари асосида тергов эксперименти ўтказилгани ҳамда аниқланган маълумотлар асосида судга оид автотехника экспертизаси ўтказилиб, хулосалари олингани ва тегишлича баҳолангани, иш бўйича судга оид трассология экспертизаси ўтказилиши учун зарурият мавжуд эмаслиги сабабли, ҳимоячининг зарур экспертиза ўтказиш лозимлиги ҳақидаги илтимосномасини етарли асосга эга бўлмаган ўринсиз важлар сифатида рад қилди.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан Ж,,,,,,,,,,,,,нинг транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, велосипедчи И.Мамадиевнинг ўлимига сабабчи бўлганликдан иборат ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Ж,,,,,,,,,,,,,га нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандидаги, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларга амал қилиб, судланувчининг айбига иқдорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, ёшлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида эътироф этиб, унинг жиноят содир этишида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг иккинчи қисмида, транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш одам ўлишига сабаб бўлса - муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, етти йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

Суд, Ж,,,,,,,,,,,,,га нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жазони енгиллаштирувчи барча ҳолатларни эътиборга олиш билан бирга, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти ва оғирлик даражасини, унинг оқибатини инобатга олган ҳолда унга содир этган жинояти учун қонунда назарда тутилган доирада муайян



ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 276-моддасининг 1-қисмида, жиноят туфайли ёки ақли норасо шахсининг ижтимоий хавfli қилмиши натижасида ўзини мулкый зарар кўрган деб ҳисобловчи шахс ёхуд унинг вакили жиноят иши кўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар фуқаровий даъво кўзғатишга ҳақли экани; 3-қисмида, фуқаровий даъво ёзма шаклда ҳам, оғзаки шаклда ҳам кўзғатилиши мумкинлиги, оғзаки даъво аризаси баённомага ёзиб кўйилиши; 5-қисмида, жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатмаган шахс, шунингдек даъвоси кўрилмасдан қолдирилган шахс уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида кўзғатишга ҳақли экани белгиланган.

Суд, жиноят оқибатида етказилган зарарлар масаласини муҳокама қилиб, жабрланувчининг қонуний вакили Р,,,,,,,,,,,,, томонидан судга тақдим этилган Андижон вилояти, Балиқчи тумани, “Ўлмас” МФЙ томонидан И.Мамадиевнинг дафн маросимлари ва шикастланиб носоз ҳолатга келган велосипеди учун етказилган зарарлар 28.200.000 сўмни ташкил этгани ҳақидаги маълумотномасини эътиборга олиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида судланувчи Ж,,,,,,,,,,,,,дан жабрланувчининг дафн маросимларига сарфланган ва бошқа моддий зарарлари учун 28.200.000 сўмни ва маънавий зарарни 7.000.000 сўм миқдорида белгилаб, моддий ва маънавий зарарни жабрланувчининг қонуний вакили Р,,,,,,,,,,,,, фойдасига ундиришни белгилаш, жабрланувчи Х,,,,,,,,,,,,, судланувчи Ж,,,,,,,,,,,,,га нисбатан моддий даъвоси йўқлигини билдирганлигини инобатга олиш, фуқаровий даъво кўзғатилмаганлиги боис, “Ласетти” русумли, 01 N 316 GC давлат рақамли автомашинага етказилган моддий зарар масаласини кўрмасдан қолдириш, манфаатдор томонларга жиноят оқибатида етказилган бошқа зарарлар бўлса, уларни айбдордан ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтириш лозим деган тўхтамга келди.

Бинобарин, суд юқоридагилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465, 466-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан айбдор деб топилсин.

Ж,,,,,,,,,,,,,га Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 2-қисми билан билан 3 (уч) йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 4 (тўрт) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси манзил колонияларда ўталиши белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 5 июнь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ж,,,,,,,,,,,,,га нисбатан қўланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Жабрланувчи Х,,,,,,,,,,,,, судланувчи Ж,,,,,,,,,,,,,га нисбатан моддий даъвоси йўқлигини билдирганлиги инобатга олинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида судланувчи Ж,,,,,,,,,,,,,дан жабрланувчининг дафн маросимларига сарфланган ва бошқа моддий зарарлари учун 28.200.000 сўм ва 7.000.000 сўм маънавий зарар жабрланувчининг қонуний вакили Р,,,,,,,,,,,,, фойдасига ундирилсин.

Манфаатдор томонларга жиноят оқибатида етказилган бошқа зарарлар бўлса, уларни айбдордан ундириш масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, судланувчи, жабрланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нухасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида апелляция тартибида, агар иш апелляция инстанциясида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида мазкур суд орқали Наманган вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи

Т.Мелибоев

